

# Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақкам оила  
Йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 19-ИЮН, СЕШАНБА, 72 (7997) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Bahosi kelishilgan narxda.

Қишлоқ ҳаёти



Дўстмурод Қодирқулов изла-  
ниб, интилиб яшаётган, та-  
шаббускорлик билан меҳнат  
қилаётган фермерлардан. У  
ҳар бир фермер хонашў  
етиштириш билан бирга, уни  
қайта ишлашни ҳам ташкил  
этиши ва шу тарихга жорт  
фаровонлигига ҳисса қўшиши  
керак, деб ҳисоблайди.



Ариқ бошидаги фермернинг даласидан  
сувининг исроф бўлиб, зовурга оқиб  
тушиши натижасида этакдаги фермер-  
нинг ерларига сув етиб бормайди. Сувга  
муҳтож бўлган бу фермер зовурга  
насос ўрнатиб, ортиқча харажатга йўл  
қўяди. Деҳқончилик маданиятининг  
юксалиши, минтақадаги сув билан  
боғлиқ ҳолатлар сувнинг ҳар томчисини  
тежаб-тергаб фойдаланишга ундайди.



“Коллеж-битирувчи-корхона” — уч  
томонлама шартномаларнинг тўлиқ  
йўлга қўйилганлиги боис бу йил билим  
даргоҳини ilk бор тамомлаётган 148  
нафар ўқувчи амалиётни ўзлари иш  
бошлашни ният қилиб қўйган “Агро-  
банк”, “Халқ банки”, “Микрокредит-  
банк”ларнинг туман ва Гулистон шаҳар  
филиаллари, туман ва Гулистон шаҳар  
солиқ инспекцияларида ўтадилар.

## ПИЛЛАЧИЛАРНИНГ САРБАЛАНД ХИРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ ТУҲФАЛАРИ  
БИЛАН КУТИБ ОЛИШНИ АҲД ҚИЛГАН РЕСПУБЛИКАМИЗ ПИЛЛАЧИЛАРИ 25 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД  
«КУМУШ ТОЛА» ТАЙЁРЛАБ, ЙИЛЛИК ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИНИ АДО ЭТДИЛАР.

Йилнинг ilk ҳосили, дея таъ-  
рифланадиган пилла ҳосили бу  
йил янада мўл бўлди. Қулай  
иқлим, пиллачиларга яратилган  
шароит ҳамда кўрсатилаётган  
этибор ўзининг самарасини  
берди.

Президентимиз раҳнамоли-  
гида қишлоқ ҳўжалигида амал-  
га оширилаётган ислохотлар  
натижасида соҳанинг барча  
тармоқларида ўсиш суръатла-  
ри кўзга ташланаётди. Жумла-  
дан, пиллачиликда ҳам қатор  
ижобий ишлар амалга оширил-  
моқда. Юртбошимизнинг 2006  
йил 15 ноябрдаги “Республи-  
ка пиллачилик тармоғини яна-  
да ислох қилиш чора-тадбир-  
лари тўғрисида”ги қарори  
тармоқдаги ислохотларда му-  
ҳим дастуриламал бўлаётди.  
Қарор асосида пиллачилик  
тармоғини модернизациялаш,  
рақобатбардош тайёр маҳсу-  
лотлар ҳажмини кўпайтириш  
ва турларини кенгайтириш им-  
кони яратилди.

Бунини жорий йилги сарба-  
ланд “кумуш тола” хирмонида  
ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон  
Республикаси Қишлоқ ва сув  
ҳўжалиги вазирлигидан олин-  
ган маълумотларга кўра, бу  
йилги мавсумда қарийб 44  
минг фермер ҳўжалиги томо-  
нидан 443,5 минг қути ипак  
курти уруғи парваришланди.  
Ҳар бири қутидан ўртача 57 ки-  
лограммдан ҳосил олинди.  
Етиштирилган ҳосилнинг асо-  
сий қисми юқори навларга  
қабул қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз-  
ки, пиллачиларга яратилаётган  
шароит муваффақиятлар оми-  
ли бўлмоқда. Озуқа базасининг  
мустақамлангани ҳамда қулай



СУРАТДА: Андижон вилояти Шахрихон туманидаги «Миришкор Долиббой» фермер ҳўжалиги аъзоси Гулназхон Жўрахонова.

Хурсандбек АРАББОВЕВ (ЎЗА) олган сурат.

иқлим боис ҳосилнинг сара  
бўлишига эришилди. Жорий  
йилнинг ўзида 55 минг гектар-  
дан зиёд майдондаги туздор ва  
76 миллион дондан ортиқ якка

тут қаторларида агротехника  
тадбирлари амалга оширилди.  
Пиллачиларга қаратилаётган  
этиборни моддий рағбатлан-  
тиришда ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, пилланинг харид на-  
ҳи ўртача 20 фоиз оширилиб,  
етиштирилиши мўлжалланаёт-  
ган ҳосил қийматининг 30 фоиз-  
ни миқдоридаги маблағ мав-

сум бошиданок бўнак пули си-  
фатида берилди.

Жорий йилда биринчилар  
қаторида пилла етиштириш  
шартнома мажбуриятини

ошириб бажарган Сурхондарё,  
Самарқанд, Бухоро, Жиззах,  
Тошкент, Қашқадарё, Фарғона  
вилоятларининг пиллачилари  
хирмонга ўзларининг муносиб  
ҳиссасини қўшди. Жарқўрғон,  
Ургут, Денов, Вобқент, Қора-  
қўл, Касби, Косон, Бўка, Чиноз,  
Каттакўрғон, Беруний, Амударё  
туманларида пилла ҳосилдор-  
лиги 57-65 килограммни таш-  
кил этди.

Пастдарғом туманидаги  
«Дилшод Суннат» фермер ҳўжа-  
лигида ҳар қутидан 88 кило-  
грамм, Ургут туманидаги «За-  
мин барака мурувват» фермер  
ҳўжалигида 80, Тўртқўл тумани-  
даги «Фаровонлик» фермер  
ҳўжалигида 75, Балиқчи тумани-  
даги «Рўзи-Равшан» фермер  
ҳўжалигида 71 килограммгача  
«кумуш тола» олинди. Ана шун-  
дан илгор пиллачилардан бири  
Арнасой туманидаги «Душа  
полвон» фермер ҳўжалиги пил-  
лачиси Чамангул Туманова  
бўлди. У уч ярим қути ипак кур-  
тидан шартнома режасидаги  
210 килограмм ўрнига 232 ки-  
лограмм ҳосил топширди.

Уруғчилик борасида олиб бо-  
рилган ишлар тармоқ ривожид-  
да муҳим аҳамият касб этаётди.  
Бу мавсумда пиллачиларга тар-  
қатилган ипак курти уруғининг  
асосий қисмини «Ипакчи-1»,  
«Ипакчи-2», «Ўзбекистон-5»,  
«Ўзбекистон-6» каби серхосил,  
иқлим шароитимизга мос, ка-  
салликларга чидамли маҳаллий  
навлар ташкил этди.

Дастлабки хирмон юксак  
бўлди. Бу барчамизни янада  
руҳлантиради. Шижоат билан  
меҳнат қилишга ундайди.

Анавар КУЛМУРДОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Сурхондарё Вилояти

Вилоятнинг тоғли ҳудудларида жойлашган  
Шеробод туманидаги Ғуржак ҳамда  
Денов туманидаги Сина қишлоқларида  
қад ростлаётган таълим масканларида  
қурилиш ишлари жадаллик билан олиб  
борилмоқда.

## ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК

Шеробод тумани Ғуржак қишлоғидаги 49-умумтаълим  
мактабида капитал реконструкция асосида 270 ўринга эга  
ўқув биноси ва замонавий спорт зали қурилаётди. Бу ер-  
даги бунёдкорлик ишлари “Дарбанд” қурилиш корхонаси  
томонидан амалга ошириляпти.

— Шу кунларда иккинчи қаватда гишт териш ишларини  
охирига етказдик, — дейди иш юритувчи Рўзимамат Эса-  
нов. — Ҳозирги кунда 32 нафар қурувчимиз 4 та бригада  
асосида иш ташкил этишиб, фаоллик кўрсатишяпти. Айниқ-  
са, Холмўмин Саидмуродов, Аҳмад Имомов, Тохир Му-  
родов, Нурмухаммад Жумаев сингари моҳир усталаримиз бу  
борада ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Денов туманининг Сина ҳудудида 25 мингга яқин аҳоли  
истикомат қилади. Худуд аҳолисининг тарқоқ ҳолда жой-  
лашганлиги ўқувчиларнинг таълим масканларига бориш-  
ларида ноқулайликлар туғдиради. Шу боис, мазкур қиш-  
лоқнинг тоғ этакларида жойлашган чекка ҳудудида Сина  
қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг 180 ўринга  
мўлжалланган филиали қурилмоқда. Қурилиш ишларини  
“Термизагрохизмат” масъулияти чекланган жамияти қурув-  
чилари олиб боришаётди.

— Қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли амалга оши-  
риш, янги ўқув йилига муносиб совға ҳозирлаш мақсадида  
62 нафар қурувчи бир ёкадан бош чиқариб, меҳнат қили-  
шяпти, — дейди “Термизагрохизмат” масъулияти чеклан-  
ган жамияти раҳбари Дилмурод Хўжақулов. — Исмоил  
Юсупов, Иброҳим Юсупов, Сўҳроб Вализонов, Эшали Эш-  
қуватов сингари қўли гул қурувчиларимизнинг самарали  
меҳнатидан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ

Тошкент Вилояти

## ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА ЯНГИ ТУҒУРУҚХОНА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада тако-  
миллаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самара-  
дорлигини ошириш, аҳолига юқори сифатли тиббий  
хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида самарали  
ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, соғлиқни сақлаш ти-  
зимини ислох қилишга оид меъёрий  
ҳужжатлар асосида она ва бола са-  
ломатлигини муҳофаза қилиш,  
аҳолини вирусли ва юқумли касал-  
ликлардан сақлашнинг профилактик  
тадбирларини кучайтиришга алоҳи-

да этибор қаратилмоқда. Бу бора-  
да Тошкент вилоятида ҳам талайги-  
на ишлар бажарилаётди.

Юқори Чирчиқ туманидаги Ка-  
вардон қишлоғида барча қулайлик-  
ларга эга бўлган замонавий қишлоқ  
врачлик пункти қурилиб, фойдала-

да этибор қаратилмоқда. Бу бора-  
да Тошкент вилоятида ҳам талайги-  
на ишлар бажарилаётди.

Юқори Чирчиқ туманидаги Ка-  
вардон қишлоғида барча қулайлик-  
ларга эга бўлган замонавий қишлоқ  
врачлик пункти қурилиб, фойдала-

Унда мамлакатимизда Прези-  
дентимиз раҳнамолигида оналик  
ва болаликни муҳофаза қилиш,  
соғлом авлодни шакллантириш  
борасида жуда катта ишлар амал-  
га оширилаётганлиги таъкидлан-  
ди. Ўтган йиллар ичида қишлоқ  
врачлик пунктларининг моддий-  
техник базасини мустақамлаш  
мақсадида умумий қиймати 30  
миллион АҚШ долларидан ортиқ  
мблағга 3172 та ҚВП асбоб-ан-  
жомлар, тиббий жиҳозлар, 90 та  
туман тиббиёт бирлашмалари ла-  
бораториялари диагностика аппа-  
ратлар ва жиҳозлар, 400 дан ортиқ  
“Дамас” ва “УАЗ” русумидаги

нишга топширилганига ҳали унчалик  
кўп вақт бўлгани йўқ. Бугунги кунда  
ҚВП ҳузурида “Турон” дорихонаси  
ҳам очилиб, аҳолига хизмат кўрса-  
тыпти.

Биргина 2011-2012 йиллар мо-  
байнида туманда амалга оширила-  
ётган ободонлаштириш ва қурилиш  
ишлари учун давлатимиз томонидан  
7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ  
ажратилди. Жумладан, туман мар-  
казий шифохонаси ёнида янгидан  
барпо этилган туғуруқхона мажмуа-  
си қурилиши учун 2,3 миллиард сўм

мблағ сарфланди.

Барча қулайликларга эга 50 ўрин-  
ли туғуруқхона мажмуасини Алишер  
Жабборов раҳбарлик қилаётган “Та-  
рамуш” хусусий фирмаси қурувчи-  
лари қисқа муддат ичида қуриб,  
фойдаланишга топширишди. Янги  
барпо этилган муассаса энг замо-  
навий тиббий асбоб-ускуналар ва  
бошқа жиҳозлар билан таъминлан-  
ди. Мажмуа ҳудудида ободонлашти-  
риш ишлари ҳам ушшоқлик билан  
амалга оширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

## СОҒЛОМ ОНА – БАРКАМОЛ АВЛОД – МУСТАҚКАМ ОИЛА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғ-  
лиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Республиканинг  
қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив  
саломатлигини мустақамлаш, соғлом авлодни шаклланти-  
риш борасида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги  
режалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда Прези-  
дентимиз раҳнамолигида оналик  
ва болаликни муҳофаза қилиш,  
соғлом авлодни шакллантириш  
борасида жуда катта ишлар амал-  
га оширилаётганлиги таъкидлан-  
ди. Ўтган йиллар ичида қишлоқ  
врачлик пунктларининг моддий-  
техник базасини мустақамлаш  
мақсадида умумий қиймати 30  
миллион АҚШ долларидан ортиқ  
мблағга 3172 та ҚВП асбоб-ан-  
жомлар, тиббий жиҳозлар, 90 та  
туман тиббиёт бирлашмалари ла-  
бораториялари диагностика аппа-  
ратлар ва жиҳозлар, 400 дан ортиқ  
“Дамас” ва “УАЗ” русумидаги

транспорт воситалари билан таъ-  
минланди.  
Бугунги кунда республикада  
6491 умумий амалиёт шифокори  
фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилдан  
бошлаб педиатр, терапевт, аку-  
шер-гинеколог ва бошқа мутахас-  
сислар сафидан 5 мингдан ортиқ  
техник базасини мустақамлаш  
мақсадида умумий қиймати 30  
миллион АҚШ долларидан ортиқ  
мблағга 3172 та ҚВП асбоб-ан-  
жомлар, тиббий жиҳозлар, 90 та  
туман тиббиёт бирлашмалари ла-  
бораториялари диагностика аппа-  
ратлар ва жиҳозлар, 400 дан ортиқ  
“Дамас” ва “УАЗ” русумидаги

ошириш, болаларни эмлаш, касал-  
ликларнинг олдини олиш, аҳоли-  
нинг, айнқса, туғиш ёшидаги аёл-  
ларини, болалар ва ўсмирларни соғ-  
ломлаштириш, ҳомиладор аёллар-  
нинг эрта муддатларда назоратга  
олиб, уларда аниқланган касаллик-  
лар асоратларининг олдини олиш,  
скрининг текширувидан ўтказиш,  
нохуш ҳомиладорликнинг олдини  
олиш мақсадида замонавий кон-  
трацептив воситалар билан таъ-  
минлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Ва-  
зирлар Маҳкамасининг 2010 йил  
22 июлдаги “Республиканинг  
қишлоқ туманларида оналар ва бо-  
лаларнинг репродуктив саломат-  
лигини мустақамлашга доир  
қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-  
да”ги қарори ижроси юзасидан  
ҳар йили 400 мингдан ортиқ ҳоми-  
ладор аёлларга ҳомиладорлиги  
давомида давлатимиз томонидан



М. Қодирова (ЎЗА) олган сурат.

бепоул поливитамин минерал ком-  
плекслари тарқатилмоқда.

Республика аҳоли репродуктив  
саломатлиги маркази ва унинг ви-  
лоят филиаллари репродуктив са-  
ломатликка ва соғлом оилани  
шакллантиришга оид масалаларда  
аҳолига, шу жумладан, ёшларга  
юқори малакали тиббий ёрдам

кўрсатиш ва уларнинг тиббий би-  
лимларини янада такомиллашти-  
риш борасида аниқ чора-тадбир-  
лар асосида иш олиб боришмоқда.

Матбуот анжуманида жур-  
налистлар ўзларини қизиқтирган  
саволларга жавоб олдилар.

Аҳмаджон РИХСИБОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Куннинг  
муҳим  
воқеалари

► Тошкентда нефть-газ  
соҳасида йўлдош газ-  
ларни утилизация қилиш  
ва соф ривожланиш ме-  
ханизми лойиҳаларини  
амалга ошириш бораси-  
да Ўзбекистон тажриба-  
сига бағишланган Евро-  
па ва Марказий Осиё  
мамлакатларининг мин-  
тақавий конференцияси  
бўлиб ўтди. Тадбир  
“Ўзбекнефтегаз” миллий  
холдинг компанияси,  
Жаҳон банкининг Ўзбе-  
кистондаги ваколатхо-  
наси томонидан йўлдош  
газларни ёқишни ка-  
майтириш бўйича глобал  
шериклик ташкилоти  
билан (GGFR) ҳамкор-  
ликда ташкил этилди.

► Ўзбекистон автомо-  
биль ва дарё транс-  
порти агентлигида ав-  
тотранспорт соҳасига  
GPS (сунъий йўлдош  
орқали навигация) ти-  
зимини жорий қилиш  
масаласига бағишлан-  
ган матбуот анжумани  
бўлиб ўтди. Тадбирда  
соҳанинг етакчи мута-  
хассислари ва омма-  
вий ахборот воситала-  
ри ходимлари ишти-  
рок этди.

► Наманганда «Диплом  
билан бизнесга» лойиҳа-  
си доирасида олий ўқув  
юртлари ҳамда касб-  
хунар коллежлари бити-  
рувчиларини кичик биз-  
несга кенг жалб этиш  
масаласига бағишланган  
ўқув-семинар ўтказилди.  
Тадбирда ўз бизнес-ре-  
жасини муваффақиятли  
ҳимоя қилган 130 нафар  
йигит-кизга тижорат  
банкларидан имтиёзли  
кредит олиш ҳуқуқини  
берувчи сертификатлар  
топширилди.

► Андижон вилояти  
Хўжаобод туманида  
сунъий қопламали  
“Пахлавон” стадиони  
фойдаланишга топ-  
ширилди. “Чарос” ху-  
сусий фирмаси томо-  
нидан қисқа вақтда  
барпо этилган мазкур  
стадионда ёшларнинг  
спорт билан шуғулла-  
нишлари учун кенг  
имкониятлар яратил-  
ган.

Жиззах Вилояти

# КЎП ТАРМОҚЛИЛИК КЎП ДАРОМАДЛИЛИК ДЕГАНИ

Дўстлик туманидаги “Уста Сафар ота” фермер хўжалигига қарашли мўъжазгина сутни қайта ишлаш корхонасидан ҳар тонг мактаб, мактабгача таълим муассасалари, шифохона, кимё идораси, пахта тозалаш корхонаси ва бошқа меҳнат жамоалари ҳузурига йўл оладиган “Южин” русумли юк автомашинаси узокдан кўриниши биланоч болажонлар “Ура, сут-каймоқ келтиришдир”, деб баралла қийқиришса, катталар ҳам кўнгилларидан ўтадиган ажиб илиқликдан бир-бирига имо қилиб, кулиб қўйишади. Туман марказий деҳқон бозори ҳамда Жиззах шаҳри Заргарлик маҳалласидаги дўконларнинг доимий харидорлари эса машина ҳайдовчиси Бекзот Эшбековни «Бизни янгигина ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар истеъмол қилишсин деб, айна вақтида, кечиктирмай етказиб келиди-я, барака топкур!», дея алқашади.

Туман далаларида галла ўрим-йиғими бошланганидан буён корхона ишчилари ва машина ҳайдовчиси шаънларига айтилаётган бундай олқишлар янада кўпайди. Негаки, энди меҳнатсевар ҳайдовчи машина йўналишини галла ўраётган комбайнчилар, ҳосил ташиётган ҳамкасблари ва давлатга галла сотиш бўйича шартнома режасини ошириб бажарётган фермерлар ҳузурига ҳам тез-тез буриб турибди.

— Бундай қулайлик ва ҳолис хизмат кимни қувонтирмайди? — дейди тумандаги “Сирдарё-М” фермер хўжалиги раҳбари Мамат Турдиев. — Комбайнчи ва ҳайдовчиларнинг кўнгилларини овлайлик, нонуштарига сут маҳсулотлари берайлик, деб тақдир ёллаб ёки йўловчи машиналарда туман марказидаги бозорга гизиллагандан кўра, корхона дастгоҳларидан ҳозиргина чиқарилган, даламизга беминнат ва юқори сифат билан келтирилиб берилаётган, бунинг устига, нархи ҳам бозордагидан бирмунча арзон сут-каймоқларни жон деб харид қиламиз-да! Бизга тақлиф этилаётган сут маҳсулотлари ўн хилдан зиёд. Булар — стерилланган сут, сариёғ, қаймоқ, қатик, бринза, кефир, сметана, творог ва бошқалар. Бу маҳсулотлар тўйимли, хуштаъмиллиги билан бирга, саломатликни мустаҳкамлайди.

Фермернинг бу гаплари корхонага боришини маслаҳат берган туман ҳокими, Олий Махлис Сенайти аъзоси Сайфиддин Шералиевнинг «Фермер Дўстмурод Кодиркулов меҳнатидан барака топиб,

шон-шухрат қозонаётганлардан, республика «Ташаббус» кўрик-танловларининг «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича совриндори бўлган», деган мактовини эслатди.

Дўстмурод Кодиркулов юртида фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йиллардаёқ 65 гектар ер олиб, фаолиятини бошлаган эди. Орадан олти йилча вақт ўтиб, даромадларини жамлади-да, жамғармаси устига 108 миллион сўм банк кредити олиб, Исроил давлатида ишлаб чиқарилган умумий қиймати 200 миллион сўмлик сутни қайта ишлаш ускуналарини сотиб олди.

— Бунинг биринчи сабаби, аввало, туманда бир неча чорвачилик фермер хўжалиги бўла туриб,

сутни қайта ишлаш корхонаси йўқлиги, иккинчи сабаби, ўз хўжалигимизда 30 бошдан зиёд соғин сиғирларимиз мавҳудлиги эди, — дейди фермер Дўстмурод Кодиркулов. — Мана, уч йилдан буён чорвадор-фермерлар ва аҳоли молларининг сутини харид қилиб, қайта ишляпмиз. Хар куни бир тоннадан зиёд сутдан ўн хил маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Хозирги пайтда ўз фермамизда соғайтган сиғирларимиз ҳам 50 бошдан ошди. 70 бош буқа, гунажми, бузоқ ва 150 бош қўй-қўзиларимиз бор. Молларни бултур, банк кредитимизни муддатидан илгари қайтариб бўлганимиздан сўнг қўпайтирдик. Ахир, сутни қайта ишлашдангина эмас, деҳқончиликдан ҳам яхши



Ҳайдовчи Бекзот Эшбеков тайёр маҳсулотларни олиб чиқмоқда.



Сутни қайта ишлаш корхонаси ишчиси Феруза Юсупова.

даромад оляпмиз-да. Масалан, ўтган йили пахтачиликдан 40 миллион, галлачиликдан 25 миллион сўм фойда олди. Бундан ташқари, иктивримизда қолган 25 тонна доннинг 15 тоннаси ҳисобидан бу йил мевалар шарбатидан музқаймоқ тайёрланадиган ускуна сотиб олди. Туманимизда боғу роғлар, мева ва узум кўп. Айни кунларда хар куни 40-50 килограмм атрофида мевали музқаймоқ тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бераётимиз. Мевалар тўлиқ пишиб етилгач, бу микдор ўн хисса кўпаяди. Мазкур ускуна йўналиб, ишлата бошлаганимиздан буён фермер хўжалигимиз далаларида ва сутни қайта ишлаш корхонамизда ишлаётган 28 нафар ишчи ёнига яна 5 нафар ёш ишчи келиб қўшилди. Уларни тумандаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи битирувчилари сафидан тақлиф этдик.

Ха, Дўстмурод Кодиркулов мана шундай изланиб, интилиб яшаётган, ташаббускорлик билан меҳнат қилаётган фермерлардан. У хар бир фермер хомашё етиштириш билан бирга, уни қайта ишлашни ҳам ташкил этиши ва шу тариқа юрт фаровонлигига ҳисса қўйиши

керак, деб ҳисоблайди.

— Кредитдан қарзимиз йўқ, энди топайтганларимиз ўзимизники бўлаёттир, — деди у. — Шундай экан, янада катта ишларга қўл урсак ҳам бўлаверади. Бу йил 5 гектар майдонда боғ яратдик, 2 гектар тоқоримиз ҳосилга кирди. Туман бўйича мавҳуд 96 гектар боғдан ташқари, бизники сингари мўъжаз ва ихчам боғлар ҳам қарийб 50 гектарга боради. Юзлаб гектар полизорлар яшнаб турибди. Улардан олинандиган ҳосил-чи?.. Хуллас, энди ниятимиз мева, узум ва полиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхона барпо этиш.

20 гектар майдонда мўл галла ҳосили етиштирганмиз. Эрта-индин ўриб-йиғиб олишимиз биланок ана шу корхонанинг ташкилий ишлари билан шуғуллана бошлайман. 30 гектарлик пахтазор ҳолатидан ҳам кўнгли тўқ. Ёзу ёппасига шоналай бошлади. Кўптармоқчилик кўп даромадлилик дегани. Юртимизда хусусий тадбиркорлар учун катта имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилаётган экан, улардан фойдаланишимиз керак.

**Келдиёр ЖҲҲАҚУЛОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Фарғона Вилояти

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Фермерлар экин ерларига ва аҳоли томоркаларига сув келтирадиган бу уюшмалар сугориш, соҳага янгиликларни татиқ қилиш, сугориш сифатини назорат қилишда фаоллик кўрсатишмоқда.

## СУГОРИШДА ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш тобора долзарб бўлиб борапти. Бунинг моҳияти шуки, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш оз меҳнат ва маблаг сарфлаб, агротехник тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ўтказиб, янги ускулларни эринмай амалиётга татиқ этиш орқали кўп ҳосил олиш демакдир. Бугунги кунда экинларни эскича усулда сугоришдан воз кечилмоқда. Чунки унда биринчидан, обихаёт исроф бўларди, иккинчидан эса, ғўзанинг танасига сингиши керак бўлган кимёвий ва маҳаллий ўғитлар зовурларга оқиб тушибди.

Замонавий деҳқончилик фермер ва қишлоқ хўжалигига боғлиқ кишилардан гўят зукколикни талаб қилипти. Дейлик, фермер хар бир пайкалга алоҳида сугориш усулини татиқ этиши лозим. Яъни уларнинг биридаги ғўзани сингдириб сугориш керак бўлса, бошқасини югуртириб сугориш кифоя. Лекин хар қандай сугоришда ҳам биринчи талаб этиладиган нарса шуки, сув исроф бўлмаслиги лозим. Замонавий деҳқончиликнинг биринчи душмани хар қандай кўринишдаги исрофгарчиликдир.

Ариқ бошдаги фермернинг даласидан сувнинг исроф бўлиб, зовурга оқиб тушиши натижасида этакдаги фермернинг ерларига сув етиб бормайди. Сувга муҳтож бўлган бу фермер зовурга насос ўрнатиб, ортиқча харажата йўл қўяди. Деҳқончилик маданиятининг юксалиши, минтақадаги сув билан боғлиқ ҳолатлар сувнинг хар томчисини тежаб-тегаб фойдаланишга ундайди.

Данғара туманидаги “Данғара соҳили” Сув истеъмолчилари уюшмасида вилот ирригаторларининг семинари бўлиб ўтди. Сув истеъмолчилари уюшмалари ижрочи директорлари қатнашган тадбирда Республика, вилот сув хўжалиги соҳаси масъул ходимлари, мутахассислари, туман ҳокимлари иштирок этишди.

Семинар “Данғара соҳили” СИУнинг яқинда замонавий кўринишда таъмирланган биносидан ўтказилди. Шунинг таъкидлаш лозимки, Фарғона вилотидаги мавҳуд 123 та СИУнинг 59 тасида бино йўқ эди. Республика мутасадди идораларининг қўллаб-қувватлашига кўра, шу кунларда вилотдаги ўша СИУлар ҳам ўз биноларига эга бўла бошладилар.

Данғара туманидаги СИУларнинг ўз биноларига эга бўлишларида “Ўзелиомашилизинг” компанияси масъул ходимлари фаоллик кўрсатдилар. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли микробларнинг моддий рағбатлантирилиши таъминланди. Бу ғўза вегетацияси даврида ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Шунингдек, мазкур компания томонидан Данғара туманидаги бешта СИУ олтига замонавий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланди.

“Данғара соҳили” СИУ ва шу уюшма ҳудудидаги “Усти-вор Фар” фермер хўжалиги даласида бўлиб ўтган семинарда сугоришнинг янги ва самарали усул-технологиялари амалда кўрсатилиб, намойиш этилди. Масалан, янги усуллардан бири шуки, ғўза қатор ораларига плёнка тўша-либ, у хар ярим метрда тешиб қўйилади ва сув тўппа-тўғри ғўза илдизига шимилди. Ёзу қатор орасига тўшалган плёнка бегона ўтларнинг чиқишига тўсқинлик қилади, сув исрофгарчилигига йўл қўйилмайди. Мутахассисларнинг фикрича, бундай усул сувни тежаши билан бирга ҳосилдорликни оширади. Ариқни тўпроқ билан қўйиш, ерин ўйиб, ўқариққа сув оқизиш эскича сугориш услуби ҳисобланади. Янгича замонавий усулда эса ариқлар бошига махсус сув ростилагич ўрнатилади, ариқдан ўқариққа ҳам эгилувчан кувурлар орқали сув олинади.

Семинарда кўрсатилган сугориш усуллари ва фойдаланиладиган янги жиҳозлар мамлакатимизда деҳқончилик маданияти тобора юксалиб бораётганидан далолатдор.

**Раҳматжан ҚўЛДОШЕВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

## ТАДБИР МАВЗУСИ — ТАДБИРКОРЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Нукус шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда “ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ресурс ва инфратузилмани ҳисобга олган ҳолда туман ва шаҳарлар инвестицион дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча муқобил лойиҳаларни киритиш борасидаги вазифалари” мавзусида семинар ўтказилди.

Унда солиқ, банк, Бандликка кўмаклашиш маркази, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси мутахассислари, ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этишди. Улар касб-хунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, бизнес режа тузишга ўргатиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш режасининг Нукус шаҳрида бажарилиши масаласини муҳокама қилишди.

Семинарда таъкидланганидек, Нукус шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йил мобайнида шаҳарда 45 та хизмат кўрсатиш объекти, 102 та савдо, 8 та умумий овқатланиш шохчалари ишга туширилди. Натижада 255 нафар киши иш билан таъминланди. Шаҳарда ташки савдо айланмаси ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Жумладан, ўтган йили ташки савдо айланмаси ҳажми 31 миллион 253 минг АҚШ долларини ташкил этди. Корхоналар томонидан 11 миллион 696 минг АҚШ доллари микдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 5 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 399 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларидан мавҳуд 1402 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Ярмарка якуни бўйича 1068 нафар киши иш билан таъминланган бўлса, унинг 296

нафарини касб-хунар коллежи битирувчилари ташкил этди.

2011-2012 ўқув йилида Нукус шаҳридаги 19 та касб-хунар коллежини 6575 нафар ўқувчи битиради. Бугунги кунда битирувчилар ўз мутахассисликлари бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларда ўқув амалиётини ўтказиши ҳамда ишга жойлашиши бўйича ўн томонлама шартномани имзоладилар. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган 27 нафар коллеж битирувчисига 184 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар акратилди.

— Бундай тадбирларнинг ўтказилиши тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшлар учун муҳим аҳамият касб этади, — дейди Нукус шаҳридаги Жийдали Бойсун маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Алия Абшова. — Семинарда ташкилот банклари, солиқ, Бандликка кўмаклашиш маркази мутахассисларидан ўзимизни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдик.

Бу каби семинарларни бошқа шаҳар ва туманларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

**Давуд АБИДУЛЛАЕВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Наманган Вилояти

## «ЧИЛЛАКИ» ЧИН СЎЗИНИ АЙТДИ

Норин туманидаги “Азизхон” фермер хўжалиги аъзолари 16 гектар майдонда бугдйининг “Чиллаки” навини парваришладди. Агротехника қондаларига қатъий амал қилганликлари боис, барча саъй-ҳаракатлари ва сарфланган харажатлар бесамакетмади. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 60 центнерданга тўғри келиб, шартнома режаси ортиси билан бажарилди.

— Юқори ҳосилдорлик хўжалигимиз аъзоларининг кайфиятини кўтариб юборди, — дейди фермер Моҳир Азизов. — Улугбек Умаров бошлик отряднинг комбайнчилари Тилибжон Юсупов шогирди Таваккал Кодиров билан юқори унумли комбайнда етиштирилган



ҳосилни тезу соз ўриб, янчиб беришди. Юк машинаси ҳайдовчилари галлани омборларга пешма-пеш ташидилар.

Айни кунларда вилот галла майдонларида ўрим-йиғим ишлари кун сайин авж оляпти. Айниқса, Поп, Мингбулоқ, Уйчи, Норин ту-

манларида ҳосилдорликни ошириб, хирмон уяётган фермер хўжаликлари сони кўпайиб бораёттир.

**СУРАТДА:** Фермер Моҳир Азизов, отряд етакчиси Улугбек Умаров ва комбайнчи Тилибжон Юсупов.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**  
олган сурат.

Тошкент Вилояти

Сўнгги йилларда республикамиз бўйича барча туман МТПлари базасида аҳоли ва фермерларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган “Агротехсервис” МЧЖларнинг ташкил топганлиги қишлоқ тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ушбу жамиятлар қошида ташкил этилган хизмат турлари аҳоли эҳтиёжларини қондиришда қутилган натижаларни бермоқда.

## «АГРОТЕХСЕРВИС» АҲОЛИ ВА ФЕРМЕРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Куйи Чирчиқ туманидаги “Дўстободагро-техсервис” жамияти ана шундай жамоалардан биридир. Хозирда юздан зиёд иш ўринларига эга жамият бугунги кунда тумандаги фермерлар ва аҳолига ўйлаб хизмат турларини кўрсатмоқда. Жумладан, техникаларни сошлаш, ювиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, чилангарлик, миллий хунамандчилик, савдо ва маийш хизмат кўрсатиш турлари ташкил этилган. Шунингдек, новвоёхона ва дорихоналар фаолият кўрсатмоқда. Чорвачилик ва паррандачилик ҳам йўлга қўйилган. Энг

муҳими, хизмат кўрсатиш сифати шаҳардан қолишмайди.

— Ўтган йили мавҳуд 43 та комбайн ёрдамида ўз ҳудудимиз ва қўшни туман фермерларининг 12 минг гектардан зиёд галласини ўриб, янчиб берган эдик, — дейди жамият раиси Тоҳиржон Зуфаров. — Бу йил ҳам комбайнчиларимиз галлакор фермерларимизга ҳосилни саранжомлаб олишда астойдил хизмат кўрсатишмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Хоразм Вилояти

## Кулонқорабоғда болалар хурсанд

Богот тумани Кулонқорабоғ қишлоғидаги “Истиқлол” болалар оромгоҳида 240 нафар ўқувчи ёз мавсумида мириқиб дам олади. Оромгоҳда болажонларнинг кўнгилли ҳордиқ чикаришлари учун барча шароит яратилган.

— Ўқувчиларнинг ёзги таътилда мароқли дам олишларини тўғри ташкил этиш мақсадида режа асосида иш олиб

борамиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Илмира Эгамова.

Оромгоҳда бўлиб, яратилган шароит, олиб борилаётган

маданий-маърифий ишлар билан яқиндан танишдик. Фарзандларимизни зукко ва қомил инсонлар қилиб воёга етказиш таълим-тарбиянинг асосий мақсади эканини чуқур англаган тарбиячиларнинг ўз ишларига масъулият билан ёндашаётганига ишонч ҳосил қилдик.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Қашқарё Вилояти

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси ўлароқ, тармоқ хар жиҳатдан ривожланимоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг ташкил этилиши туфайли ерга, мулкка бўлган эғалик ҳисси ортди, қишлоқ мулкдори онги, шуурида кескин ўзгаришлар бўлди. Бу пировардида қишлоқ хўжалиги тараққиётини таъминлаш билан бирга халқимизнинг турмуш даражасига ижобий таъсир эятпти.

## МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ УЙЎНЛИГИ

аграр тармоқ ривожида ҳам муҳим омил бўлмоқда

**■ Сайфулло АЗИЗОВ,**  
Косон тумани ҳокими.

Эндиликда деҳқонларимиз ернинг хар қаричидан унумли фойдаланишяпти. Фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси йилдан-йилга мустаҳкамла-ниб бораёттир. Буни туманимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ва унинг самарасида ҳам яққол кўриш мумкин.

2012 йилнинг илк ҳосили — пиллачиликда ютқуларимиз салмоқли бўлди. 339,4 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етиштирилиб, шартномавий режа ортиси билан бажарилди. Айни пайтда галлакорларимиз 100 минг тонналик дон хирмонини яратиш учун ўрим-йиғим ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Ташкил этилган ишчи гуруҳлар жойларда бўлиб, ўрим-йиғим ишларини ташкиллаштиришда амалий ёрдам бермоқдалар.

Белгиланган тадбирларимизга кўра, 18 минг 595 гектар майдондаги галлазор ҳосилини қисқа фурсатларда саранжомлаб олмақчимиз. Шу кеча-кундузда далаларда 63 та юқори унумли комбайн тўла қувват билан ишляпти. 14 та ўрим-йиғим отрядига уюшган мавжуд техникалар ва 220 та дон ташийдиган автомашиналар қувватидан етарли даражада фойдаланиляпти. Далада ишловчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, улар меҳнатига яраша ўз вақтида моддий рағбатлантириляпти. Натижада шу кунгача юздан ортиқ фермер хўжаликлари шартномавий режани ортиси билан бажардилар.

Ўрим-йиғим ишларини тез ва соз ташкил этган “Аҳмедов Ботир”, “Аҳмедов Эшқобил”, “Чориева Норсул Чориевна”, “Оқ мажит”, “Раим ўғли Жобир”, “Сайфуллаев Жўрабобо”, “Тайзан-2006”, “Турсунор Норпўлат”, “Ўрозов Шайман”, “Шодиева Бўстон”, “Асадов Раҳматулло бобо” сингари фермер хўжаликларида гектаридан 65-70 центнердан хирмон кўтарилиди.

Дастлабки таҳлиллар шундан далолат бераптики, туманимиз бўйича галла ҳосилдорлиги ўртача 55 центнерга тўғри келмоқда.

24 минг 800 гектар майдонда ғўза парвариш қила-

«Uzkimyo sanoat» ДАК

## “МАХАМ - CHIRCHIQ”

Очиқ акциядорлик жамияти

## СИФАТЛИ ВА САМАРАЛИ ЎЎГИТЛАР



## КАС – СУЮК АЗОТЛИ ЎЎГИТ

КАС – суюк самарали азотли ўғит бўлиб, нитрат, аммоний ва амид азотларидан ташкил топган. Барча қишлоқ хўжалик ўсимликларида фойдаланилади, асосий озиклантириш ва қўшимча ўғитлашда самарали натижа беради.

КАС (таркибида 28-32 фоиз азот бор) ўсимликларнинг азот билан узоқ вақт озиклантириш тизимини ташкил қилади. Таркибида эркин азот йўқлиги сабабли, у тупроққа солинганда атмосферага буглашиб кетмайди, лекин аммоний шаклининг мавжудлиги, айниқса, юқори ҳарорат шароитларида ва солинганда нам сўнг ёнгичарчиликлар бўлмаганда, нам тупроқ тортилишини талаб қилади.

## Қўллаш меъёрлари:

Ўғитни асосий ва қўшимча озиклантиришда:

- чигитни экишдан олдин – 20 кг/га;

- 2-3 чин баргда 40 кг/га;

- шоналашда 7,0 литр/га КАС + 4,0 кг/га хлорли калий;

- гуллашда 11,0 литр/га КАС + 9,0 кг/га суперфос аралашмаларини ишлатилиши тавсия қилинади.

Бу суспензияларни 300 литр/га сувга аралаштирилган ҳолда сепилад.

**Бугдойни илдиз орқали озиклантиришда:** 80 кг/га (соф азот ҳолатида)

кузги бугдойни тўла тулланиш (20 кг/га) ва найчалаш даврида қўлланилганда, у дон ҳосилдорлигини оширади.

**Бугдойни барг орқали озиклантиришда:**

- тулланиш даврида 6,0 литр/га КАС + 4,0 кг/га суперфос (физик ҳолатда);

- найчалашда 9,0 литр/га КАС + 5,0 литр/га хлорли калий;

- пишиш даврида 12,0 литр/га меъёрида КАС эритмасини қўллаш тавсия этилади.

Бу суспензияларни ҳам 300 литр/га сувга аралаштирилган ҳолда сепилад.

## Картошкага ўғитни баҳорда культивациядан олдин ва қўшимча эртапишар навларга 130-170 кг/га, кечпишар навлар учун эса 200-230 кг/га микдорда солинади.

**Сабзавотларга КАСни қуйидаги меъёрларда қўллаш тавсия этилади:**

Карамга – 200-250 кг/га; помидор, бодринга – 200-230 кг/га; пияз ва сабзига – 130-200 кг/га; гулларга – 70-130 кг/га; дон, бошоқли ва бошқа тўрт қаторли экинларга – КАСни фақат экишдан олдин 130-170 кг/га меъёрида солинади.

Суюк минерал ўғитлар ўсимликларга худди қаттиқ ўғитлар каби таъсир кўрсатади. КАСнинг яна бир афзал жиҳати унинг сақланишидир. Идишларга қадоқланган суюқ эритма узоқ муддат сақланади. Шунингдек, айнан шу жиҳат уни ташишда ҳам қулайлик яратади, яъни уни ташишда меҳнат сарфи 2-3 баробар камаяди. Бунинг нафакат ишлаб чиқарувчилар учун балки, харидор-деҳқонлар учун ҳам бир қатор фойдали жиҳатлари бор. Минерал ўғитни салқин, қуруқ ва болалар қўли етмайди, озик-овқат маҳсулотларидан алоҳида жойда сақлаш лозим. КАСни 1, 10, 20 литрли идишларда, цистерналарда ёки истеъмолчининг истиғига биноан бошқа идишга солиб бериш имкони ҳам мавжуд.

## АММОНИЙ СУЛЬФАТ

Аммоний сульфат минерал ўғити энг кўп тарқалган азотли ўғитлардан бири ҳисобланади ва ўсимликлар томонидан энгил ўзлаштирилади. Аммоний сульфат билан ишлов берилган кўглаб

қишлоқ хўжалик экинлари – кузги жавдори бугдой, пахта, картошка, ва бошқа суғориладиган экинлардан ҳаминча юқори ҳосил олинади. Аммоний сульфат минерал ўғити таркибидаги азот микдори 21% дан кам эмас ва 24% олтингурут мавжуд.

Маълумотларга кўра, аммоний сульфат самарадорлиги бўйича кенг тарқалган азотли ўғитлар – аммиакли селитра ва карбамиддан қолшмайди. Тажирибаларда унинг галла, рапс, гурч, картошка, қунгабоқар, лавлаги, полиз экинларини озиклантиришда яхши натижалар бериши аниқланди.

## ФОСФОМОЧЕВИНА

Фосфомочевина – бу карбамид ва аммофос минерал ўғитларини механик аралаштириш йўли натижасида олинган аралаштирилган ўғитдир.

Таркибида 40 фоиз азот ва 3,5 фоиз Р<sub>2</sub>О<sub>5</sub> бўлган фосфомочевина қишлоқ хўжалигида минерал ўғит сифатида фойдаланишга мўлжалланган. Карбамид таркибидаги азот – амид шаклида бўлади.

Маълумки, фосфорли ўғитлар тупроқни фосфор захиралари билан тўйинтиришнинг ягона манбаи ҳисобланади. Шунингдек, бундай ўғитлар ҳосилни кўпайтиради, сифатини яхшилайди, ўсимлик поянсининг ётиб қолиши ва қуёқчиликка чидамлилигини оширади.

Фосфомочевинани узоқ таъсир этадиган асосий самарали азот-фосфор ўғити сифатида барча сабзавот ва қишлоқ хўжалиги экинлари учун тупроқ остига ҳамда илдишдан ташқари озук сифатида қўллаш мумкин.

Манзил: “Махам-Чирчиқ” очиқ акциядорлик жамияти  
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 2-уй.  
Тел.: (+998-7071) 6-40-79, 6-45-57  
Факс: (+998-7071) 6-45-57, 6-56-70, 6-55-46  
maxam\_reklama@mail.ru  
www.maxam-chirchiq.uz

“Махам-Чирчиқ” ОАЖда сифат бошқаруви тизими ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро стандарт ISO 9001:2008 талабларига жавоб беришига катта аҳамият берилмоқда.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг марказий аппарати ва вилоятлардаги ҳудудий бўлиналарида фермер хўжаликлари ва тадбиркорларнинг дон соҳасидаги мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш учун “Ишонч телефонлари” ва ҳар ойнинг учинчи шанба кунлари “Очиқ эшиклар кўни” ташкил қилинган.

Мурожаат учун манзил:  
Тошкент шаҳар,  
М-14, № 27 уй.  
“Ишонч телефони”:  
(8-371) 244-87-53.  
Электрон манзил:  
info@uzddi.uz

| Т/р | Вилоятдаги ҳудудий бўлиналар | Телефон рақамлари |
|-----|------------------------------|-------------------|
| 1   | Қорақалпоғистон Республикаси | 8-361-224-72-50   |
| 2   | Андижон вилояти              | 8-374-226-64-82   |
| 3   | Бухоро вилояти               | 8-365-225-60-98   |
| 4   | Жиззах вилояти               | 8-372-221-02-13   |
| 5   | Қашқадарё вилояти            | 8-375-226-28-31   |
| 6   | Навоий вилояти               | 8-436-225-58-00   |
| 7   | Наманган вилояти             | 8-369-233-29-03   |
| 8   | Самарқанд вилояти            | 8-366-229-17-99   |
| 9   | Сирдарё вилояти              | 8-367-343-31-31   |
| 10  | Сурхондарё вилояти           | 8-376-227-54-81   |
| 11  | Тошкент шаҳри ва вилояти     | 8-371-244-78-52   |
| 12  | Фарғона вилояти              | 8-373-224-40-05   |
| 13  | Хоразм вилояти               | 8-362-512-85-85   |

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ҳудудий филиаллари барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади!

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг 2012 йил 12 июндаги 280-сонли қарорига асосан ва 2012 йил 12 июндаги 490-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи очик танловга қўйилмоқда:

“Автомобилроққа сиқилган газ тўлдириш компрессор шохбаси” қуриш учун Юқори Чирчиқ тумани, Саксонота ҚФЙ худидидан ўтган Тошкент Чимён, Чорвоқ автомобиль йўлининг 29 км. ҳудудида жойлашган 1 дона, 1,0 Га. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 3 597 748 сўм.

Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб бир йил

муддатда амалга оширилиши лозим

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Юқори Чирчиқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 20 июль кўни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи микдоридagi закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносидан 2012 йил 23 июль кўни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 23 июль кўни

соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 23 июлдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг тақририй танлов савдоси 2012 йил 8 август кўни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақририй танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2012 йил 7 август кўни соат 18.00 да тўхтатилади.

Тақририй танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносидан 2012 йил 8 август кўни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 8 август кўни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - “Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Танлов ташкилотчисининг манзи-

ли: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамий, 1-“А”-уй. Тел: 228-79-52. Лицензия № RR 0001. Расмий сайтими: www.1kms.uz.

Танловда қатнашиш истагидан бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари микдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил қатнашганда ваколатли

вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: “KMSX” МЧЖнинг “Ипак йўли банки” ОАИТБ Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519. Қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимият биносидан.

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ 2012-2013 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

## БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

## Агрономия факультети:

- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича);
- Агрохимия ва агротупроқшунослик;
- Ўсимликлар химияси ва карантини;
- Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруқчилиги;
- Касб таълими (агрономия);

## Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультети:

- Ветеринария;
- Зоотехния (турлар бўйича);
- Касб таълими (ветеринария);
- Касб таълими (зоотехния);

## Иқтисодиёт ва бошқарув факультети:

- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича);
- Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш;

## Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш факультети:

- Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси;

## Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- ректор номига ариза;
- ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086/у шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3,5х4,5 см ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.



## МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ:

## Агрономия факультети:

- Агрохимия;
- Ўсимликшунослик (экин гуруҳлари бўйича);
- Селекция ва уруқчилик (экин гуруҳлари бўйича);

## Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультети:

- Ҳайвонларнинг паразитар ва инфекция касалликлари;
- Кинология;
- Ветеринария жарроҳлиги;
- Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчиштириш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвонларнинг турлари бўйича).

## Магистратура мутахассисликлари учун ҳужжатлар 1 июлдан 31 июлгача қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;
- олий маълумот ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси ва унинг иловаси;
- 086/у шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3,5х4,5 см ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади;

Манзил: Самарқанд шаҳри  
М. Улугбек кўчаси, 77-уй  
тел: 234-01-00  
факс: 234-07-86

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ ва унинг ҳудудий филиалларининг танлов савдоларига чиқарилаган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг 2012 йил 23 майдан 12 июлгача бўлган мuddатдаги савдоси натижалари

| №                        | Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тавсифи | Ер участкасининг жойлашган жойи            | Минимал қиймати (сўмда) | Сотилиш қиймати (мин сўмда) |
|--------------------------|------------------------------------------------------------|--------------------------------------------|-------------------------|-----------------------------|
| <b>Қашқадарё вилояти</b> |                                                            |                                            |                         |                             |
| 2012 йил 23 майда        |                                                            |                                            |                         |                             |
| 1                        | Савдо дўкони биноси қуриш учун                             | Қитоб т, Богбон ҚФЙ Айроғчи қ-ғи           | 227 000,0               | 227,00                      |
| 2                        | Супермаркет биноси қуриш учун                              | Қитоб т, Х.Дўстлиги МФЙ Х.Дўстлиги қўчаси  | 1 376 426,0             | 1 376,426                   |
| 3                        | Спорт соғломлаштириш маркази биноси қуриш учун             | Қитоб т, Х.Дўстлиги, МФЙ Х.Дўстлиги қўчаси | 1 287 526,0             | 1 287,526                   |
| <b>Навоий вилояти</b>    |                                                            |                                            |                         |                             |
| 2012 йил 12 июнда        |                                                            |                                            |                         |                             |
| 4                        | Автомобилларга метан газ қуйиш шохбаси қуриш учун          | Қизилтепа т, “Бўстон” ҚФЙ                  | 2 814 565,0             | 3 100,00                    |
| <b>Фарғона вилояти</b>   |                                                            |                                            |                         |                             |
| 2012 йил 5 июнда         |                                                            |                                            |                         |                             |
| 5                        | Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун                            | Бувайда т, Бештерак ҚФЙ, Урганж қишлоғи    | 252 000,0               | 550,00                      |
| 6                        | Ишлаб чиқариш ва маншй хизмат биноси қуриш учун            | Бувайда т, Бештерак ҚФЙ, Хўжаўлди қишлоғи  | 360 000,0               | 600,00                      |
| <b>Хоразм вилояти</b>    |                                                            |                                            |                         |                             |
| 2012 йил 30 майда        |                                                            |                                            |                         |                             |
| 7                        | Кемнинг биноси қуриш учун                                  | Ҳазорасп т, Саримой қ-ғи                   | 87 117,0                | 160,00                      |
| 2012 йил 5 июнда         |                                                            |                                            |                         |                             |
| 8                        | Тиш довллаш ва ташхис қўйиш маскан қуриш учун              | Ҳазорасп т, Овшар қ-ғи Жангиота м-си       | 32 524,0                | 100,00                      |
| 9                        | Электр жиҳозлари таъмирлаш устaxonаси қуриш учун           | Ҳазорасп т, Овшар қ-ғи Жангиота м-си       | 18 585,0                | 60,00                       |
| 10                       | Дорихона ва ветеринария биноси қуриш учун                  | Ҳазорасп т, Овшар қ-ғи Овшар м-си          | 87 117,0                | 120,00                      |

Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltssavdo@inbox.uz

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорига фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.

